

Qishloq hayoti

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 9-iyun, payshanba

№ 21 (9185)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

МАХАЛЛА РАИСЛАРИ САЙЛОВИ

ОЧИК, ШАФФОФ ВА АДОЛАТЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Сенат Кенгашининг 2022 йил 15 мартдаги қарорига асосан 9 минг 349 маҳаллада жамоатчилик вакиллари иштирокида сайлов бўлиб ўтди.

Сайловда 26 минг 910 нафар тавсия этилган номзод орасидан фуқаролар томонидан яшарин овоз бериш орқали 9 минг 349 нафар маҳалла раиси сайланди.

Мазкур сайлов қонунчилиги талаблари асосида сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, фуқаролар вакилларининг иштирокида очик, шаффоф ва адолатли тарзда ўтди.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлисида бу алоҳида қайд этилди.

Сенат Раиси Т.Норбоева бошқарган мажлисда замон ўзгараётгани, одамларнинг дунёқараши, фикрлаши ва талаби янгича эканига эътибор қаратилди. Шу боис маҳаллаларда ҳам иш ташкил этишда замонга ҳамоҳанг, ўзгача ёндашув зарурлиги қайд этилди.

Ушбу омиллар инobatта олинган ҳолда маҳалла раислигига кўрсатиладиган номзодлар учун юқори талаблар белгиланди. Натижада сайланган маҳалла раисларининг қарийб 95 фоизини олий маълумотлилар ташкил этган бўлса, 6 минг 272 нафари биринчи маротаба ушбу лавозимга сайланди. Энг қувонарлиси, улар орасида аёллар кўлами ҳам ортиб, уларнинг сони 1 минг 104 нафарга етди.

Мажлисида сайловни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар ҳолати ҳақида сенатор Т.Мадумаров, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири ўринбосари А.Турсунов батафсил маълумот берди.

Хусусан, келиб тушган мурожаатлар тезкорлик билан ўрганилгани, баъзи мурожаатларга асосан айрим ҳудудларда сайлов жараёнлари қонунчиликам мувофиқ вақтинча тўхтатилиб, ҳолатларга ойдинлик киритилгандан сўнг қайта ўтказилгани айтиб ўтилди.

Мажлис якунида Сенат Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайлови якунлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

ЎЗА

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

МАТЕМАТИКА АҚЛНИ ЧАРХЛАЙДИ

Ўз рубойлари билан жаҳонга машҳур бўлган Умар Ҳайём математика соҳасида ҳам замондошлари орасида пешқадам бўлган.

Соҳага оид асарларни чуқур ўрганган олим тенги йўқ тақвимни ишлаб чиққан, арифметика ва алгебрага оид асарларида бутун сонларнинг илдизини топиш, математиканинг аниқ фанлар билан алоқалари ҳамда қўллаб-қувватлаш тўғрисида асарлар ёзган. Ривоят қилишларича улуг аллома мураккаб масалаларни ечиб чарчаган вақтларида дафтар четида рубойлар ёзиб қўяр эканлар. Жуда қўллаб-қувватлаш тарзида ҳам математика фани катта рол ўйнаган.

Ўзбекистонимизда ёшларни математика фанига қизиқтириш Юртбошимиз эътиборидаги масалага айланди. Юртимиздаги йирик шаҳарлардан тортиб барча туманларда ҳам бу фани чуқур ўргатувчи ихтисослашган мактаблар ташкил қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ИЗЛАНИШ ВА НАТИЖА 2

– Изланганга имконият кенг, – дейди Асака туманидаги “Уйғур полвон” фермер хўжалиги раҳбари Абдуманноб Умаров.

СУВЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ



Яқинда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан тадбир ташкил этилиб, қўллаб-қувватлаш рағбатлантирилди, камтарона меҳнатлари эътироф этилди. Ун, ёғ маҳсулотлари тарқатилиб, уларнинг ҳалол, самарали меҳнатлари улуг‘ланди ва тўқин дастурхон ташкил этилди. Шунингдек, ҳар бир сувчига бир миллион сўмдан рағбат пули ҳам берилди. Пахта ва бошқа экинлар парваришида муҳим палла бошланган даврда бундай рағбатлантириш сувчилар кўнглини кўтарди.

Бувайда тумани ирригация бўлими бошлиғи Ёрқинжон Назаров ҳам туман сувчилари ана шундай рағбатлантиришга лойиқ топилгани ҳақида хабар берди. Ҳар бир сувчи 1 қопдан ун, ёғ, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда 1 миллион сўмдан пул билан рағбатлантирилди.

Тошлоқ туманида меҳнат қилаётган ирригатор, мелиоратор, мироб ва барча сувчилар ҳам муносиб тарзда рағбатлантирилганидан манун экани ҳақида бизга туман ирригация бўлими бошлиғи Алишер Утамбоев хабар берди. Бошқа туманлар ирригация бўлимлари бошлиқлари ҳам ўз жамоаларининг бундай рағбатдан миннатдор эканликларини билдирдилар.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,

Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси матбуот котиби.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ПИЛЛАЧИЛИКДА НОРИН УСЛУБИ

унинг аҳамиятли жиҳати нимада?

Мамлакатда пиллачилик соҳасида ўзига хос мактаб яратган, наманганлик пиллачилар жорий йилда 35 минг 351 қути қурт уруғини белгиланган агротехника қоидалари асосида парваришлади. Норин услубида кам озуқа сарфлаб, плёнка остида боқилган ипак қуртлари қисқа фурсатда юқори сифатли саноат хомашёси етиштириш имконини берди. Ипак қурти уруғининг ҳар қутисидан 57, 4 килограмдан жами 2030 тонна пилла хирмони уйилди. Эришилган муваффақиятда Норин, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Наманган, Чортоқ, Мингбулоқ, Чуст туманлари заршуносларининг муносиб ҳиссаси бор.

Нориндаги, “Хамза ота ўғли Мадаминхўжа”, “Зиёратда кут-барақа”, Попдаги “Зиёрат поп”, “Раис санг”, Чустдаги “Наби Собир”, “Боқижонов Хўжамад Солижонович”, Тошбулоқдаги “Нурафшон дўстлик диёр”, “Тепасарой ЛХС”, Чортоқдаги “Ҳайдарали, Комилжон, Заҳрахон”, “Отабек, Самандар, Жасур”, Учқўрғондаги “Тошпўлот ҳожи”, “Раҳбархон” каби юзлаб фермер хўжаликлари ҳар қути уруғдан 65-80 килограммдан ошириб ҳосил кўтаришга эришди.

– Меҳнатга яраша рағбат инсонни астойдил ишлашга ундайди, янги марралар сари руҳлантиради. Буни пиллачиларимизга кўрсатилаётган эътибор, ўзига хос тақдирлаш аъёнларининг давомийлигида ҳам гувоҳи бўлаяпмиз. Ҳали пилла ҳосилини териб, топириш жараёнлари давом этмоқда. Мақсадимиз, сўнгги мисқолигача териб, хирмон салмоғининг янада баракали бўлишини таъминлашдир, – дейди Норин тумани ҳокими Жўрабек Нурматов.

Равшанбек МИРЗОЛИМОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ – ХИТОЙ”

ШАКЛИДАГИ УЧИНЧИ ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

Қозоғистон пойтахти Нур-Султон шаҳрида 8 июнь куни “Марказий Осиё – Хитой” шаклидаги учинчи вазирлар учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегацияси ҳам иштирок этди.

Мулоқот чоғида ўзаро ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди, дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан 2022 йил 25 январь куни ўтказилган Марказий Осиё давлатлари ва Хитой раҳбарларининг онлайн-саммитида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш йўллари ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Вазирлар сиёсий мулоқот, барқарор ривожланиш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, илмий-техникавий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, ахборот технологиялари, экология, маданий-гуманитар ва яшил энергия манбалари соҳаларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун соҳа-ҳаракатларни давом эттириш истагини билдирдилар.

Минтақани хавфсизлик, ўзаро манфаатли, барқарор ва инклюзив шериклик маконига айлантириш мақсадида Марказий Осиё ва Хитой давлатларининг мавжуд салоҳиятидан фойдаланиш муҳимлиги қайд этилди.

Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеяси резолюциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ташаббусини қўллаб-қувватладилар.

Мутасаддилар Афғонистонни тинч йўл билан тиклашга қўллаб-қувватлаш, бу жараёнда халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилиш юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, Афғонистонда фуқаролар тинчлиги ва тотувлигига эришишга ёрдам бериш, гуманитар инқирозни имкон қадар тезроқ енгитиш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани тиклашдан томонлар бирдай манфаатдор экани билдирилди.


Ҳаво алоқасини қайта йўлга қўйиш, фуқаролар қатнови учун янада қулай шарт-шароит яратиш, йўловчи ташувчи рейсларни босқичма-босқич тиклаш, юк ва сайёҳлар оқимини қўлайитириш, “тезкор” ва “яшил” йўлақлар яратиш ҳамда мультимодал товарлар ташувини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди.

В.Норов томонларни Ўзбекистон Республикаси Президентининг узлуксиз юк ташишни таъминлаш, трансминтақавий логистика тармоқларини ривожлантириш ҳамда транспорт инфратузилмаси лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган Транспорт алоқаларини ривожлантириш бўйича Марказий Осиё ва Хитой давлатларининг мувофиқлаштирувчи кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашга қарор қилди.

Тадбир якуни бўйича Қўшма баёнот, 2022-2025 йилларда Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”, Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш ташаббуси, Хитой ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида маълумотлар хавфсизлигини таъминлашда ўзаро ҳамкорлик борасида ташаббус қўллаб-қувватланди.

ЎЗА

Фермерларимиз 1 килограмм буғдойни 3 минг сўмдан сотганида
1 триллион 200 миллиард сўмдан зиёд даромад олиши прогноз қилинди



➤ Президент қарорлари амалда

БУҒДОЙ ЕТИШТИРУВЧИ ФЕРМЕРЛАР БРОКЕРЛИК БЎЙИЧА ТАЖРИБА ОШИРМОҚДА

Президентимизнинг 2022 йил 28 майдаги "Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ғаллачиликдаги ислохотларни янада такомиллаштириб, фермерлар манфаатдорлиги ва ҳосилдорликини ошириш орқали бозорда таклифни кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хўш, мазкур ҳужжат ижроси бўйича Тошкент вилоятда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Ҳудудда бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш орқали ғаллачилик тармоқларини ривожлантириш борасидаги ишлар қонунийлиги? Соҳага оид рақамларни таҳлил қилмиш. Жорий йил ҳосили учун Тошкент вилояти бўйича жами 103 минг 845 гектар майдонда бошқоқ дон парваришланаётган бўлиб 674 минг тоннадан ортиқ ҳосил олиниши кутилмоқда. Ўз навбатида давлат хариди учун 270,3 минг 217 тонна, ғаллачилик кластерларига 50 минг, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик корхоналарига 108,3 минг тонна ва фермерлар ихтиёрида 245 минг тонна дон қолиши кутилмоқда.

Бугунги кунда айрим туманлардаги ғалла майдонларида ўрим ишлари бошланди. Хусусан, Ўрта Чирчиқ туманида жорий йил ҳосили учун 188 та фермер хўжалиги ва 1 та кластер корхоналари томонидан 10 минг гектар майдонда 32

минг 310 тонна бошқоқ дон экилган. Шундан 8 минг тоннаси давлатга уруғлик топириш учун парваришланди. Ҳосилни даладан нест-нобуд қилмасдан, ўз вақтида ўриб-янчиб олиш учун 35 та юқори унумли комбайнлар, 120 та ташиш техникалари жалб қилинган. Бу бўйича жами 35 та ўрим отряди шакллантирилган. Жумладан, тумандаги "А. Икромов", "Ўзбекистон", "Ким Пен Ха" ҳамда "Истикбол" ҳудудларида ўрим ишлари бошлаб юборилган. Таҳлилларга кўра, вилоят бўйича барча далаalarda 148 та ўрим отрядлари ташкил этилиб, уларга 1 минг 210 тадан ортиқ автомашина 47 дона кўчма устаконалар, 61 дона ёқилги ташиш техникалари бириктирилади.

Саъй-ҳаракатлар эвазига етиштирилган ҳосилни 15-16 кунда ўриб-йиғиб олиш режалаштирилган. Президентимиз раислигида жорий йил 11 май куни ғаллачиликдаги ислохотларнинг муҳим босқичга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириққа муво-

фиқ, энди буғдой етиштирувчи фермер ва кластерларни биржадан рўйхатдан ўтказиш ва брокерларни бириктириб, ўқитиш ташкил қилиш бўйича берган топшириқларига жавобан Тошкент вилоятда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

– Мазкур ташаббусдан фермерларимиз хурсанд, – дейди Тошкент вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси ўринбосари Зойир Эшнаев. – Бугунги кунда фермер хўжалиқларининг бухгалтерларини биржа савдоларида маҳсулот сотиш борасида ўқитиш учун брокерлик фирмалари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Таҳлилларимизга кўра, бу йил биржа савдоларида сотиладиган ғалладан фермерларимиз 1 килограмм буғдойни 3 минг сўмдан сотганида 1 триллион 200 миллиард сўмдан зиёд даромад олиши прогноз қилинди. Бу уларнинг кластерларга етказиб берадиган ғалладан ортган қисми ҳисобланганда шунча маблағни ташкил этмоқда. Ўз навбатида, аҳолининг ун, нон ва нон маҳсулотларига талабини қондириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш чоралари кўриляпти.

Чорвачиликда озуқа емга бўлган талабини қондиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг ҳисоботида кўра, ҳудудда

товар-хон ашё биржасида савдоларни кўпайтириш, маҳаллий корхоналар иштирокини кенгайтириш юзасидан вилоятнинг барча туман-шаҳарларида биржа савдо майдончалари ташкил этиш учун бино – иншоотлар танланиб, зарур офис жиҳозлари билан таъминланмоқда. Шунингдек, товар-хон ашё биржаси савдоларини сифатли ташкил этиш мақсадида, масъул ходимлар танлаб олиниб, трейдерлик курсларига ўқитилди ва махсус сертификатлар тақдим этилди.

Биринчи ғалда маҳаллий маҳсулотларни биржага олиб чиқишни туман даражасига тушириш бўйича туман-шаҳар ҳокимлари билан биргаликда ғалла етиштирувчи фермер ва кластерлар кесимида захирага топширилаётган буғдойни биржага олиб чиқишнинг ойма-ой режаси ишлаб чиқилди. Эндиликда фермерлар ва кластерларни рўйхатдан ўтказиш чоралари кўрилмоқда. Бундан ташқари, вилоятда фаолият олиб бораётган 190 та юқ ташувчи корхоналар рўйхати шакллантирилди. Режага кўра, вилоятда бу йил фермер ва кластерлардан харид қилинадиган уруғлик ва товар дон 270 минг 217 тоннани ташкил этади ва "Ўздонмаҳсулот" тизимидаги 3 та дон корхоналарга давлат захираси сифатида қабул қилинади. Шундан 53 минг 142 тонна дон июль-август ойларида биржа савдоларига бозор нархида чиқарилади. Ҳисоб китобларга қараганда, Тошкент вилоятининг 2,9 миллион нафар аҳолиси учун йиллик ун ва нон маҳсулотларига бўлган талаб 196 минг тоннага тенг. Дон қабул қилиш корхоналари бу талабни қондира оладими? Буни бир корхона мисолида кўриб чиқамиз.

Бу йил "Оҳангарон дон" АЖ томонидан ғалла ҳосили учун Оҳангарон, Бекобод, Пискент ва Ўрта Чирчиқ туманларида фаолият юритаётган ғаллачилик кластерлари ва фермер хўжалиқларидан жами 85 минг 760 тонна товар дон ва 10 минг 300 тонна уруғлик дон қабул қилиш режалаштирилган. Бунинг учун мавжуд омборхоналар мавсумга шай қилиб қўйилган. Масъул мутахассислар бириктирилган. Қиёслаш учун солиштирадиган бўлсак, ҳақиқатда томонидан 2021 йилда жами 86 минг тонна ун ишлаб чиқарилган. Жорий йилнинг январь-май ойлари давомида 40 минг тонна ун тайёрланган бўлиб, йил охиригача яна 50 минг тонна сифатли ун ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга етказиш мақсад қилинган.

Умуман олганда, соҳада бўлаётган ўзгаришлардан умид катта. Барча саъй-ҳаракатлар аҳолининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, нархлар барқарорлигини таъминлаш, талаб ва таклиф асосида ҳақиқий ғалла бозорини яратишга хизмат қилади.

Абдулазиз МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ҒАЛЛА ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Нарпай туманида ғалла ўрим-йиғими бошланди. Эрта тонгда мавсумга тайёрланган мавжуд 11 та ғалла ўриш комбайнлари МЧЖ шаклидаги "Агросервис" машина-трактор паркидан далаларга чиқарилиди.

Ойбек массивига келтирилган агрегатлар олдида ғаллачилик отрядлари аъзолари билан қисқа суҳбат бўлиб ўтди. Туман ҳокими ва сектор раҳбарлари отряд раҳбари ҳамда аъзоларининг асосий вазифалари ҳақида сўз юритдилар.

Қисқа муддатда белгиланган ҳосилни йиғиб олиш учун бор куч-имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Шундан кейин дала бошида ҳонлиқ сўйилиб, қўрьон тиловат қилинди. Тўпланганлар ғалла хирмонига барака тилаб дуога қўл очдилар. Сўнг ғалла ўримида киришилди.

Б.МАРДОНОВ,

"Ўзгроинспекциянинг Нарпай тумани бўлими катта инспектори.



ИЗЛАНИШ ВА НАТИЖА

(Боши 1-саҳифада)

Баҳор бошида зироатчилик билан боғлиқ бир суҳбатда сабзавот экинлари ҳосилдорлиги борасида тортишув бўлиб ўтди. Чунончи, помидордан гектар ҳисобига 100 тоннадан ошириб ҳосил олиш мумкинлиги бош мавзу бўлди. Ҳақиқатдан ҳам бир вақтлар олимлар билан ҳамкорлик қилиш орқали рекорд натижаларга эришган устоз деҳқон Усмонали Қурбонов бошқарган бригадада айнан помидор ҳосилдорлиги минг центнердан ортиши оддий воқеаликка айланган эди...

Бугун бу ҳақда сўз очсангиз аксарият фермерлар "бўлмаган гап", дейишдан нарига ўтишмаяпти. Вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг масъулларидан бири Муталлибжон Сулеймонов Асакалик Абдуманноб Умаров деган фермер наинки помидордан, балки бошқа сабзавот экинларидан ҳам энг юқори ҳосил олаётганлиги ҳақида айтиб қолди.

Эътироф этилган фермер даласи томон йўл олди. Бир томонда иссиқхона, иккинчи томонда эса очиқ майдонга экилган қарам ва диққатимизни тортган помидор парвариши ҳайратимизни оширгандан ошириб юборди. Фермер ихтиёрида 42 гектар ер бўлиб, шундан 8 гектарини сабзавот экинлари банд қилган. Ҳар ишда бир ўк билан 2 та кўёни мўлжаллаб олган овчи каби ҳамиша изланишда бўлаётган Абдуманноб Умаровнинг даласидаги манзарага ҳавасингиз келаверади.

Селекционер олимлар билан олиб борилаётган кўп йиллик ҳамкорлик туфайли натижалар ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Айтиллик, помидор парваришида анъанавий усул қайта кашф этилдики, бирорта помидор меvasи исроф бўлмайди. Палакалар сўриток мисол ихчамлаштирилган тарзда юқорилаб боради ва кўзланганидан зиёда ҳосил яратди. Фахрий деҳқонлар хонадонларида бу усул ханузгача қўллаб келинмоқда.

Абдуманноб Умаров тажрибадан амалий ишга ўтди ва бугунги натижа кузгача ўз самарасини беради ва 100 тонналик маррадан ўтиш имкониятлари юзга чиқади. Эртаки қарам ҳақида ҳам шундай ҳулоса учун асос бор. Фермер ўз маҳсулотларини ортиқча реклама қилмасида, харидорлар етарли эканлиги ва унинг ортидан даромад кўтарилаётганлиги аниқ ҳақиқат.

Май ойининг сўнгги ўн кунлигида "Ўйғур полвон"да ошқовоқ пишиб етилди. Бундай илгарилаш авваллари ҳеч қачон кузатилмаганлиги ҳам рост. Эс эмас, 2 гектар майдондаги ошқовоқ палакларни остида кўзга аёқол ташланаётган ошқовоқларни кузатаётганлар фермернинг нақадар изланувчан эканлигига қайта-қайта тан беришмоқда.

Маълумки, далалар атрофида тут дарактлари бор. Абдуманноб шун тут дарактлари биқинига ҳам ошқовоқнинг "Барно" навининг кўчатларини март ойининг бошидаёқ ўтказган эди. Натижа ҳайратланарли бўлмоқда. Олди палакда уч-ўрттадан тайёр ҳосил бор. Ҳарорат кўтарилиши сайин эса ошқовоқларнинг пишиб етилиши янада тезлашмоқда. Якка ва улғуржи харидорлар фермернинг ортидан югуришдан чарчашмаяпти.

Биз кўплаб деҳқонлар билан суҳбатлашганимизда Абдуманноб Умаровнинг ҳайратланарли ишлари ва натижалари кўпчилик учун ибрат бўлишга лойиқ эканлигини қайта-қайта таъкидлашди. Негаки, оддий усулда парвариш қилинган ошқовоқ кўчатлари эндигина палак ёзмоқда. Демакки, ҳали гул кўрсатганича йўқ.

Такрорий экинлар борасида ҳам тайёргарлик кизгин кетмоқда. Ҳадемай, 30 гектар майдондаги ғалла янчилаг, унинг салмоқли қисмида сабзавот экинлари парвариш қилинади. Эртаки қарамдан бушаган далага эса ўртаки экинлар жойлаштириб бўлинди. Биз Абдуманнобнинг далаларидаги кўринишни ҳайрат билан қадамма-қадам кузатиб амин бўлдики, ер масаласи огирроқ бўлган Андижонда сабзавот экинларидан 100 центнердан ҳосил яратиш имкониятлари бор. Озиқ-овқат хавфсизлиги кун тартибидан мустаҳкам жой олган бир шароитда оддий деҳқон томонидан сабзавот экинлари парваришида илғор тажрибалар орқали салмоқли натижалар юзга келаётганлиги аҳамиятга молик ҳолатдир.

Қобилжон АСҚАРОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

МАТЕМАТИКА АҚЛНИ ЧАРҚЛАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

Жумладан, Ҳузор туманидаги биринчи сонли Убайдулла Уватов номли мактабимизда ҳам фанларни чуқур ўргатувчи вариатив синфлар ташкил қилишга киришилди. Худди шу мақсадда математика-инглиз тилини чуқур ўргатувчи синфимизни 2020-2021 ўқув йилида тамомлаган 29 ўқувчининг барчаси олий ўқув юрти талабалари бўлишди. Ўқувчиларнинг илмга бўлган қизиқишини оширишда яхши кўрсаткич ҳисобланган бу ютуғимизга ота-оналарнинг ҳам қизиқиши ортиб, математикани қўйи синфлардан чуқур ўргатадиган синф ташкил қилиш таклифини билдирдилар. Мактаб жамоаси ота-оналарнинг талабларини инобатга олиб ўтган 2021-2022 ўқув йилида 5 синфда математикани чуқур ўрганишга йўналтирилган вариатив синф очишга қарор қилди. Барча 4-синф ўқувчилари яъни 224 нафар ўқувчидан энг иқтидорли сифатида синовлардан ўтган 33 нафари танлаб олинди.

Чуқурлаштирилган дастур асосида билим беришга киришлар экан бунда фақатгина дарснинг ўзи кифоя қилмайди. Мунтазам олиб борилган тўғрақ машғулотларида ўқувчиларни зериктириб қўямаслик учун турли математик ўйинлар ўйлаб топилди. Уларга ҳаётда зарур бўлган амалий масалаларни ечиш ўргатилди. Ўз фарзандининг келажагини ўйлаган ота-оналар онлайн тарзда кечки пайтлари болалари билан мисол ва масалалар ечишга ўрганиб қолишди ва зарур бўлган пайтда ўқитувчига мурожаат қилиб ёрдам сўрашди. Синфда ўқитиладиган бошқа фан ўқитувчилари билан ҳамкорлик қилган ҳолда амалий кўникмалар ҳосил қилишга ҳаракат қилинди. Умар Ҳайём ўз рубойларида материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, табиат ҳодисаларининг бирини бошқаси инкор қилиши каби ҳолларни баён қилганидек дарсларда узвийликка эришишга имкон даражада ҳаракат қилинди. Бу ишларда синф ота-оналарининг сардори Г.Соатованинг ҳиссаси катта бўлди. Ўқув йили якунига кўра синфдаги 30 нафар ўқувчимиз синовлардан муваффақиятли ўтиб, келгуси ўқув йилида ҳам вариатив синфда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

Хулкар НУРМАНОВА,
1- ИДУМ ўқитувчиси.



ҚЎҚОН ХАЛҚАРО АНЖУМАНГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА

Қўқон шаҳрида "Қўқон хонлигининг Туркий халқлар давлатчилиги шаклланиши ва маданий меросида тугган ўрни" мавзусидаги халқаро илмий конференция бўлиб ўтмоқда.

Туркий давлатлар ташкилоти, Халқаро турк маданияти ташкилоти (Турксо), Ўзбекистон Республикаси Туризм ва маданий мерос вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда юртимизнинг барча ҳудудларидан профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, хорижий давлатлардан, хусусан, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлардан келган тарихчи олимлар иштирок этмоқда.

Тадбирни Бош вазир ўринбосари – туризм ва маданий мерос вазирлиги Азиз Абдуҳакимов очиб берди.

– Ўзбек, қирғиз, уйғур, қозоқ, қорақалпоқ ва бошқа кўплаб туркий халқларга макон бўлган Қўқон хонлиги, бағрикенглик худуди бўлиши билан бирга, ўз даврининг мада-

ният, санъат ва адабиётнинг ҳам аҳамиятли марказларидан бири бўлган, – дейди конференцияда сўз олган ТУРКСОЙ Бош котиби Султанбай Раев. – Турли миллат ва элатлар тотувлик, тинчлик ва осойишталикда ҳаёт кечирган Қўқон давлатининг бошқарув тизими ёки бошқача айтганда "Қўқон модели" бугунги кунда алоҳида тадқиқ этилиши лозим эканлигига ишонаман.

10 июнга қадар давом этадиган конференцияда Қўқон хонлигининг тарихи, давлатчилиги ва геосиёсий аҳамиятига бағишланган алоҳида сессиялар, шунингдек, "Туркий дунёнинг қалби – Фарғона водийси: ўтмиш, бугун ва келажак" мавзусидаги махсус сессия бўлиб ўтади.

– Халқаро миқёсда ташкил этилаётган илмий-амалий тадбирдан кўзланган асосий мақсад 1709 йилдан 1876 йилгача ва ундан кейинги

даврга Марказий Осиёда Туркий давлатчилигининг ривожланишида Қўқон хонлигининг ролини ўрганиш, бу даврдаги тарихий воқеалар билан танишиш, шунингдек, хонлиқнинг минтақадаги халқаро жараёнларга таъсирини аниқлаш, маданий ва меъморий меросини тарғиб қилиш ҳамда дунёга тараннум этишдир, – дейди Қўқон университети ректори Шерзоджон Мустафоқулов. – Қолаверса, конференцияда Ўзбекистоннинг қадимий Фарғона водийси ва Ҳўқанди латифнинг бой маданий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тарихини таҳлил қилган ҳолда, ёш олимлар ҳамда тадқиқотчиларни янада юксак мақсадларга ундаш, тарихни келажак авлодга ҳақоний етказиб беришга оид муҳим таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқарилади.

Масъуджон СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Чандер Шекхар: Намангандан таъриф этиб бўлмайдиган таассуротлар билан юртимизга қайтаямиз



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Халқаро гуллар фестивали

миллионлаб дилларга олам-олам шодлик бағишлади

Гуллар шаҳри – Наманганда қарийб ўн беш кун давом этган 61-Халқаро гуллар фестивали чин маънода дунёнинг етти иқлимидан ташриф буюрган миллионлаб дилларга олам-олам шодлик бағишлади. Ғолибларини тақдирлаш маросими ҳар йилгидек, вилоят марказидаги Ўрта Осиёда бетақорро "Афсоналар водийси" тематик паркиннинг амфитеатрида кўтаринки кайфиятда ташкилланди.

Жорий йилнинг 22 май куни очилиши бўлиб ўтган фестивалнинг асосий тантаналари ўтказилган Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бетақорро гул кўрғазмалари, турфа маданий-маърифий ва кўнгилочар дастурлар барчага завқ улашди. Маросимда сўз олган вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқов мазкур фестивалда 2 миллион 300 минг нафар гул шайдолари, шу жумладан, дунёнинг 30 дан зиёд мамлакатидан ўн минглаб сайёҳлар ташрифи кузатишларини таъкидлаб, меҳмонлар ташрифи давом этаётганини, ушбу фестиваль вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлигини баён этди.

– Гуллар фестивалидаги бир-бирини тақдорламайдиган композицияларни кўриб, очиги ҳайратландим, – дейди Лал Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданий маркази директори



Чандер Шекхар. – Бу ажойиб гуллар кишига яхши кайфият берди. Намангандан таъриф этиб бўлмайдиган таассуротлар билан юртимизга қайтаямиз. Аънавий фестивалда вилоятда биринчи бўлиб ўз туманида гуллар фестивалини бошлаб бериб, ташаббус кўрсатган Учкўрғон тумани ҳокимлиги ҳокимликлар ўртасида, Марказий банк вилоят бош бошқармаси ташкилотлар ва бошқармалар орасида энг яхши ландшафт дизайни учун, Наманган вилояти ҳокимлиги "Автопарадда энг яхши гулга безатилган машина" сифатида, профессионал гулчи Жавлонбек Мусаев "Энг яхши дизайнер гулчи" номинациялари бўйича ғолиб сифатида эътироф этилиб, "Жентра" автомашиналари билан мукофот-

ланди. Ҳакимжон Паттоев "Энг яхши қадимий гулчи сулола давомчиси", Наманган худудий электр тармоқлари корхонаси "Энг яхши гул композицияси", Қобилжон Мўйдинов "Энг яхши гулчилик мактабининг гулчиси", Нуриддиновлар оиласи "Энг кўп гул етиштирган гулчи", ногиронлиги бор Баҳромжон Шарифжонов "Гуллар фестивали гул автопарадида фаол иштирок этган кун қаҳрамони" номинациялари бўйича тақдирланиб, уларга 20, 15 ва 10 миллион сўмлик пул мукофотлари тақдим этилди.

Тантанали тадбирда ижро этилган дилрабо қўшиқлар барчага шоду хурамлик бағишлади.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Аввало, Маҳмуд Торобий ҳақида маълумот. У элакчи-қосиб, шайх бўлган. Бухоро шаҳридан 20 километрча олисда жойлашган Тороб қишлоғида яшаган. Жондор туманига қарашли ушбу гўша мўғул босқинчилари зулмига қарши кураш марказига айланган, десак, асло муболага қилмаймиз. Негаки, XIII асрнинг долғали йилларида мўғуллар истибдоди ва зулмига қарши маҳаллий аҳоли томонидан тез-тез кўзғолон кўтариларди. Юртни озод ва обод кўриш истаги Маҳмуд Торобийдек элпарвар инсонларнинг асосий маслаги эди.

Манбаларда айтилишича, 1238 йилда шу ҳамда ён-атрофдаги қишлоқларнинг деҳқон ва қосиблари ўзаро маслаҳатлашиб, юрт босқинчиларига қарши очиқ курашга киришадилар. Кўзғолончилар Маҳмуд Торобий бошчилигида Бухорога юриш қилиб, шаҳарни эгаллашади. Маълум Санжар қасрини ўзларига қароргоҳ қилишади. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси 5-томда ёзилишича, шаҳар бутунлай кўзғолончилар қўлига ўтган ва Маҳмуд Торобий султон қилиб кўтарилган. Озодлик курашчиларининг маънавий пирини Шамсуддин Маҳбубий эса шаҳар садри этиб тайинланган. Бу орада Карманга чекинган мўғуллар шошилинч тарзда куч тўплайдилар ва кўзғолонни бостириш мақсадида Бухорога юриш қилишади. Аммо қора ниятларига ета олишмайди. Чўнки юрагида ватанпарварлик туйғуси жўш урган Торобий бошлик кўзғолончилар уларни Бухоро яқинидаги жангдан тор-мор этишади. Мўғуллар ортидан қувиб Кармангача боришади. Афсуски, бу ерда бўлиб ўтган жангда халқ қаҳрамони Маҳмуд Торобий ва Шамсуддин Маҳбубий мардларча ҳалок бўлишади. Йўлбошчисиз қолган кўзғолончилар эса мағлубиятга учрайдилар. Шунга қарамай, кўзғолон исзис кетмайди. Босқинчилар ўт билан ўйнашганликларини англаб етадилар, маҳаллий аҳоли билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

Маҳмуд Торобийнинг жасорати дово-рак ва жасур аёл подшоҳ Тўмарис, эрк учун курашчи, халқпарвар чўпон йигит

МОЛ БОЗОРИ УЧУН БОШҚА ЖОЙ ҚУРИБ КЕТГАНМИ

Широқ, халқ қаҳрамонлари Муқанна, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубролар қаторида туради. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун Жувайнийнинг "Жаҳонгир Чингиз тарихи", Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асарларини кўлга олишнинг ўзи қифоя. Ойбекнинг "Маҳмуд Торобий" достони, Асад Дилмуроднинг шу номдаги тарихий романида ҳам ўша суронли йиллар воқеалари қаламга олинган. Шу ўринда халқимизнинг асл фарзанди, юрт озодлиги йўлида эрта шахид кетган жондорлик буюк аждодимиз яшаган қадимий гўша қандай аҳволда, деган савол туғилади. Тепаликда жойлашган бу қалъа юмшоқ қилиб айтганда, жуда абгор ҳолатда. Унинг деворлари қаровсизлик ва ташқи таъсирлар оқибатида нураб қолган. Қалъанинг қуйи қисми қабристон вазифини ўтаяпти. Тепаликда барпо қилинган Маҳ-

муд Торобийнинг рамазий қабри ва чуқурлиги чамаси 20 метр бўлган қудуққина мазийнинг суронли йилларидан дарак бериб турибди. Лойшувқондан қилинган даҳманинг аҳволига боқиб, кишининг кўнгли қабр каби чўкиб кетади. Наҳотки, халқ қаҳрамонининг хотирасига бўлган ҳурмат, кунда бўлса, деяр иштироб чекмасан, киши. Қалъага қириш қисмида дарвоза ўрнатилмаган. Маҳмуд Торобий шахси, унинг жасорати, халққа раҳнамолиги ҳақида бирор бир маълумоти учратмадик. Қалъага кирверини деворида ўрнатилган "Маҳмуд Торобий 1238 йилда мўғул босқинчиларига қарши халқ кўзғолонига бошчилик қилган халқ қаҳрамони" ёзуви туширилган лавҳанинг аҳволи ҳам бу тарихий гўшага бўлган муносабат қандайлигини кўрсатиб турибди. Аммо энг ачинарлиси ҳали олдинда. Яқинда туман "Деҳқон бозори" масъулияти чекланган жамиятига қарашли мол бозори қалъа-

Реклама




МАХАМ – CHIRCHIQ

СУВДА ЭРИЙДИГАН
АЗОТЛИ-ФОСФОРЛИ-КАЛИЙЛИ ВА
МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ КОМПЛЕКС
МИНЕРАЛ ЎҒИТИ – NPK

МАҲСУЛОТ МАРКАСИ
NPK 18:7:14+2Mg
NPK 18:18:18+3Mg
NPK 11:5:22+6Mg
NPK 18:6:19

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-уй.
Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08. Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.
info@maxam-chirchiq.uz www.maxam-chirchiq.uz

Маҳсулот сертификатланган



ёхуд халқ қаҳрамони Маҳмуд Торобий қалъасига муносабат шуми?

нинг шундоқ ёнига кўчириб келтирилди. Ваҳоланки, туман маркази атрофида бўш ва ташландиқ ётган ер истаганча топилади. Яқшанба, яъни бозор бўладиган кунда қалъа бўйлаб ўтган йўл ёқасидаги аҳволни айтмай қўя қолайлик. – Кўп йиллардан буён укам билан шу қалъага қароват қилиш, – дейди ўзини Шавкат Тўев деб таништирган фуқаро. – Айниқса, бозор кунлари бизга қийин бўлади. Негаки, қалъа ичкариси бозорга келиб-кетувчиларнинг автоуловлари билан тўлиб кетади. Муқаддас жойни ифлослантиришдай қирканч ишни қилувчилар ҳам учрайди...

Чиндан ҳам аҳвол ачинарли. Қалъага атайин яқшанба кунини бориб бунга ишонч ҳосил қилдик.

Дарвоқе, биз ушбу қалъанинг тақдирига оид бир неча савол билан вилоят Маданий мерос бошқармаси бошлиғи Ш.Маҳмудов ва туман ҳокимлиги ахбо-

рот хизмати раҳбари С.Шомуродовга кўнгироқ орқали муносабат қилдик. Аммо орадан бир ҳафта ўтди ҳамки, жўяли бир жавоб олганимиз йўқ.

– Бу қалъани муҳофаза этиш, таъмирлаш, қайта тиклаш, имкон қадар асл кўринишига келтиришга алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, – дейди Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси туман Кенгаши раиси И.Холов. – "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатлари доирасида ўз ҳудудларида жойлашган маданий мерос объектларини аниқлайдилар ҳамда уларни ҳисобга оладилар, муҳофаза қиладилар, асрайдилар ва улардан фойдаланадилар, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъ-

минлайдилар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларини маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш тадбирларини ўтказишга жалб қиладилар" деб белгиланган.

Фикримизча, бу тарихий қалъа археологлар ва тарихчилар томонидан чуқур ўрганилиши, чинакамига давлат муҳофазасига олиниши, сайёҳлик манзилига киритилиши, мол бозори эса бошқа жойга кўчирилиши даркор. Гўшада катта ҳажмдаги ободончилик, таъмирлаш ишларини бажариш зарур бўлади. Бу катта маблағни ҳам талаб қилади, албатта. Лекин юрт озодлиги учун жонини фидо этган, тарихда халқ қаҳрамони сифатида қолган буюк аждодимиз Маҳмуд Торобий ҳар қандай эъзозга лойиқдир.

Мақолага нуқта қўйишдан олдин ўзим гувоҳ бўлган бир воқеага эътиборни қаратмоқчиман. 1978 йилда немис турколог олими Отто Дизель Маҳмуд Торобийнинг рамазий қабрини зиёрат қилгани келди, Меҳмонга ҳамроҳлик қилдик. Ўшанда у Маҳмуд Торобийнинг лойшувқон қилинган кўримсиз қабрини, тўрт тарафи очик-сочик ётган Торобий қалъасини кўриб изтиробга тушганди. Хорижий туркологнинг "Мабодо, Маҳмуд Торобий немис бўлиб тағилганида ва Германияда тузди, бошида қураганида кўрсатганида эди, прога узра баланд кўтариб, унга олтиндан ҳайкал қўярди", дегани худди кечагидек эсимда.

Бу тарихий қалъанинг лойшувқон қи-

дами узилмайдиган, фарзандларимизга Ватан, хурлик, эрк, халқпарварлик

мавзусида сабоқ ўтиладиган масканга айланганига нима етсин!

Сафар АҲМЕДОВ,

Ўзбекистон Журналистлари ижодий

уюшмаси аъзоси,

Анварали АҲМЕДОВ,

Бухоро шаҳридаги 38-умумий ўрта

таълим мактаби ўқитувчиси.

QISHLOQ
HAYOTI

МУАССИСА:
Ўзбекистон Республикаси Вазирилари
Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда
бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир хайъати:

Жамшид ХУҲАЕВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ХАМИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-647. 1698 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашірет-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Манзил: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50.
Факс – (0-371) 233-09-93.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳорчи келишилган нархда.

Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7023



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 20.30